



Global Support Local Knowledge

NAZORAT-AUDIT AUDITING COMPANY

«O'RTA OSIYO TRANS»
aksiyonerlik jamiyati
СТИР: 200827214

Шартнома № 1/07-Т
12 январ 2016 йил

Ижобий Аудиторлик Хулосаси

Маъсулияти Чекланган Жамият шаклидаги «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан «O'RTA OSIYO TRANS» aksiyonerlik jamiyatining 2015 йил 1 январидан 31 декабрига қадар бўлган даври учун тузилган қуйидаги таркибдаги молиявий ҳисоботи текширилди:


- Бухгалтерия баланси - 1-шакл;
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот - 2-шакл;
- Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот - 4-шакл;
- Ўз сармояси тўғрисидаги ҳисобот - 5-шакл;

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади. Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисобот бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМАга мувофиқ ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз мумкинлигини такозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг конун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект «O'RTA OSIYO TRANS» aksiyonerlik jamiyatining 2015 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳолини ҳаққоний аке эгтиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг конун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги «NAZORAT AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори:



Аудитор:

«26» Апрель 2016 йил

Назаров Б.Н.

(2014йил 26 апрель куни Молия Вазирлиги томонидан берилган 05207-сонли сертификат.)

Назаров Б.Н.

(2014йил 26 апрель куни Молия Вазирлиги томонидан берилган 05207-сонли сертификат.)